



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 18 ноябрь куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Муҳаммад Навоз Шариф ушбу муаззам майдонда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Покистон Бош вазирига буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой маънавий мероси, муқаддас динимиз ривожига қўшган бекиёс ҳиссаси, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўзлаб берилди.


Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи билан танишув чоғида олий мартабали меҳмонга Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, аллома яратган илмий мактаб ҳақида атрофлича маълумот берилди. Музейдаги ноёб экспонат ва тарихий ашёлар аждодларимизнинг буюк зақоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётдан далолат бериши алоҳида таъкидланди.

Амир Темур мақбараси ва Регистон мажмуаси покистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар бу ердаги миллий хунармандлик буюмлари кўрғазмаси, қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Муҳаммад Навоз Шариф қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Шу билан Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

(ЎЗА)



МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ КЎЗГУСИ

“Ўзэкспомарказ”да “Ўзбекистон матбуоти” V Миллий кўрғазмаси бошланди.

Кўрғазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ихро этувчи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида халқимизнинг ахборот олишга доир ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёшларнинг ўқишга бўлган меҳрини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳасида ҳам янгиланишлар изчил да-

вом эттирилмоқда. Бу медиа тузилмалар, нашриёт-матбаа ижодий уйларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, халқимиз учун мазмунан ва дизайн жиҳатдан юксак сифатли матбаа маҳсулотларини тақдим этиш борасида ишларда яққол ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий матбуот соҳаси рақнақи йўлида ҳам янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарори медиа тузилмалар ишини янада такомиллаштириш, улар учун иқтисодий қулайликлар яратишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналари-га берилган солиқ имтиёзлари натижасида Ўзбекистон матбуот ва

ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарда жами 9,4 миллион доллар ҳажмидаги модернизация, техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони-га биноан оммавий ахборот воситалари, полиграфия корхоналари, нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божни ставкалари 2 баробар камайтирилди.

2015 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг сони 1422 тага, матбаа корхоналари 1677 тага, нашриётлар 112 тага етди.

“Ўзбекистон матбуоти” V Миллий кўрғазмасида етакчи даврий босма нашрлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этмоқда. Бу йилги кўрғазмада марказий ва ҳудудий ёшлар нашрлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишлаб “Эртанги кун бизники, марра бизники!” шиори остида ёшлар ҳафталиги бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ҳафталик доирасидаги тадбирларда олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган 5 мингга яқин йигит-қиз иштирок этди.

● Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах вилояти ҳудудий бўлими томонидан жамоатчилик назоратини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти масаласига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Бухорода “Иқтидоримиз, куч-шижоатимиз – шу Ватан учун!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиши учун зарур шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

● Нукусда Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Беш йўналиш бўйича ғолиб деб топилган истеъдодли қизлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Наманганда “Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлиги: ҳолати ва истиқболлари” I республика ёш тадбиркорлар бизнес-форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



● Автомобиллар савдоси билан шуғулланадиган “Carvana” компанияси АҚШнинг Нэшвилл шаҳрида беш қаватли махсус дўконни ишга туширди. Мазкур иншоот тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, мижоз ўзига ёққан автоуловни махсус жетон ёрдамида сотиб олиши мумкин. Пул эса харидорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан ечиб олинади.

● Хитойнинг Ляонин музофотидаги кимё заводида портлаш рўй берди. Ҳозирча ушбу нохуш воқеа сабаблари, унинг оқибатида жабрланган ва қурбон бўлганлар тўғрисида маълумот берилмаган. Бундан олдин Шаньдун провинциясидаги худди шундай объектда содир бўлган портлаш туфайли тўққиз киши ҳаётдан кўз юмганди.

● Кардифф университети олимлари боланинг эрталабки нонуштаси билан дарслардаги иштироки ўртасида боғлиқлик борлигини аниқладилар. Эрталаб овқатланиб, мактабга борадиган болалар нонуштани хоҳламайдиган тенгдошларига нисбатан икки баробар яхши ўқир экан.

Парламент эшитуви

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Мустақиллик йилларида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ҳамда саломатлиги, шунингдек, экотизимлар ва атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни қайта тиклаш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси, албатта, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий ҳамда тоза технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг бугунги кундаги долзарб масалаларини ҳал этиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда янада кенгроқ имкониятлар яратмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда мазкур соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Чикиндилар тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги каби 30 дан зиёд қонунлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш,

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мувозанатни таъминлашдек муҳим ижтимоий масалалар рўйида салмоқли ўрин тутмоқда.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига парламент томонидан ҳам муҳим масала сифатида қараб келинмоқда. Бу борада соҳага оид қонунларнинг жойлардаги ижроси қўли палата депутатлари фаолиятида назорат-таҳлил тартибида доимий тарзда ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим соҳасидаги қўнунчилик ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидландики, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мазкур соҳадаги қонунларнинг талаблари, шунингдек, ҳукуматимизнинг 2013 йил 27 майда тасдиқланган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури” асосида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари, жумладан, “Давлат


экологик назоратини амалга ошириш тартиби ҳақидаги низом”, “Экологик хизмат тўғрисидаги намунавий низом”, “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги низом”, “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом”лари ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда тасдиқланди. Бу эса мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга замин яратди.

Мажлис давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг эътиборини тизим ходимларининг ҳамда меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг экологик хизматлари ходимларининг касбий малакаларини ошириш, экологик тарбия, таълим тизimini ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш ҳамда жамоатчиликнинг экологик билимларини юксалтириш ва уни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш зарурлигига қаратдилар.

Шу билан бирга Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталарнинг назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши, бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгилашлари ҳам алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатаси юқоридаги масала бўйича тегишли тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

катимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вазирилик ва идоралар, диний конфессиялар вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, хорижий экспертлар, олимлар, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, Ватиканнинг Ўзбекистондаги нунцийси И.Юркович ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъозланаётгани самарасида миллатлараро ва диний конфессиялараро бағрикенглик, аҳиллик муҳити қарор топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун жамиятимизда диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессияга мансуб 2 минг 238 диний ташкилот, 130 дан ортиқ миллат вакилларида иборат қарийб

Тошкент ислом университетида "Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг мамла

140 миллий-маданий марказ, Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент ислом университети, ислом институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги диний конфессия вакиллари ахил-

Мазкур сана муносабати билан ташкил этилган анжуманда дунёнинг айрим минтақаларида диний ақида-парастлик ва миллатчилик уруш ва низоларга сабаб бўлаётгани қайд этилди. Кўпмиллатли жамиятда динлараро тотувликка эришиш демократик ислохотларни изчил амалга ошириш, мамлакатни ҳар томон-

БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда.

иноқ яшаб, жамият ҳаётини раванқ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда. Республика Байналмилал маданият маркази барча фуқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка оид етмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, конвенциялар қабул қилинган. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Шундан буён мазкур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш мақсадида Халқаро бағрикенглик куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

лама ривожлантириш имконини бериш алоҳида таъкидланди.

— Ушбу конференция фойдаларб мавзуга бағишланганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди Новоапостол черковининг Берлин-Бранденбург округи раҳбари Вольфганг Надольни (Германия). — Бугунги мураккаб даврда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш учун динлар, конфессиялар, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш фойдаларб аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳудди шундай муҳит қарор топган. Турли динга эътиқод қилувчилар учун зарур шароитлар яратилгани, уларнинг ўз анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этиб келаётгани эътиборга молик. Ўзбекистондаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларга теран кўз билан қараш, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни асраб-авайлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда ўн йилдан буён фаолият юритаман, — деди Ўзбекистондаги Рим католик черкови епископи Ежи Мацулевич. — Бу ерда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, тинч ва осуда ҳаёт кечираётгани, жамиятда қарор топган бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик бизни қувонтиради. Одамлар тинч-хотиржам яшамоқда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Ўзбекистонда қарор топган тинчлик, барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит дунё ҳамжамияти ҳавасини тортмоқда.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистондаги миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Анжуманда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, бағрикенглик тамойиллари, динлар ва ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро мулоқотнинг жамиятни ривожлантиришдаги роли, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида миллий-маданий марказлар, диний ташкилотлар томонидан тайёрланган Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини акс эттирган босма нашрлар кўргазмаси ташкил этилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА муҳбири

Анжуманлар

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан "Хабеас-корпус" институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Нейматжон Акбаров ва бошқалар мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган ҳудудий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларини татбиқ этилаётган демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислохотлар негизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад муқассам. Бунинг натижа-сида истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш йўлида демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий-меъриё ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина "Хабеас корпус" институтининг миллий қонунчилигимиздан мустаҳкам жой олгани ҳам фикримиз далилидир.

Маъзулми, жинсий таъкибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳомадасига бўлган ҳуқуқ "Хабеас корпус" дея номланади. Бу атама 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун — "Хабеас корпус Акти" атамасидан олинган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармониغا асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Ўз навбатида, Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш кераки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси суд-ҳуқуқ тизимида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқибли, 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимининг янада ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлланган келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига эҳтиёт чораларининг янги тури, яъни ўй қамоғи жорий қилинди: **ЭНГ АХИЛЛИК**

Тадбир давомида иштирокчилар журналистларнинг савол-ларига жавоб бера эканлар, шуни алоҳида қайд этишдики, истиқлол йилларида мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд назорати институтини рўйбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари, де-ман маънода "Ислохот ислохот учун эмас, балки инсон учун" деган ҳаётий давлатнинг амалдаги ифодасидир.

Шаҳрида МУХСИМОВА

ЯНГИ НАВЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда аграр соҳанинг муҳим йўналишларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йил сайин ривожланиб бормоқда. Юртимиз аҳолисининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ҳамда бу йўналишда ишлайдиган корхоналарнинг моддий-техник ва хом ашё базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётир.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзвинусоаноатхолдинг" компанияси томонидан ташкил этилган "Ўзумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзусидаги матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Анжуманда таъкидланишича, компания томонидан қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларига мос бўлган ноёб, саноатбоп тоқзорларни барпо этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага инновация гояларини татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартда қабул қилинган 2013-2015 йилларда Республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида 2013-2015 йиллар давомида 23,5 минг гектар янги тоқзорлар барпо этилиб, 17,7 гектардаги эски тоқзорлар қайта тикланди. Шу вақт мобайнида компания томонидан ҳам янги тоқзорлар барпо этишга эътибор қаратилди. 2,5 минг гектар янги тоқзорлар яратилиб, умумий тоқзорлар майдони 5,9 минг гектарга етказилди.

Компания томонидан нафақат янги тоқзорлар барпо этиш, балки узумчиликнинг моддий-техник ресурслар таъминотини кучайтириш, фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиқни яшилди, уларнинг малакасини ошириш ва илгирларини рағбатлантириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ 2015 йилда компания тизимидаги қайта ишлаш корхоналарида 139 минг тонна узум қабул қилиниб, қайта ишланди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 130 минг тоннани ташкил этганди.

Хозирда янги, саноатбоп узум навларини янада кўпайтиришга эътибор қаратилган. Бу йўналишда илмий-тадқиқот институтилари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, узумнинг ноёб ва истисно навларини кўпайтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бугунги кунда компания тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ердан унумли фойдаланиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Олти оз гектардан ортиқ боғ борпо этилган бўлиб, шундан 244 гектари интенсив боғлардир. 2015 йилда 2,1 минг тонна мева, боғ-тоқ қатор ораларида 9,9 минг тонна сабзавот, полз экинлари, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ



Саввар Урмонов олган суратлар

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Нашриётимизда санъат ва адабиёт йўналиши билан бирга болалар учун 20 дан ортиқ нашрни тайёрлаш иш режасига киритилган, — дейди ЎзА муҳбирига Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Илхом Зойиров. — Жорий йилда "Мактаб адабиёти" лойиҳаси бўйича ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг 5-9-синфлар дарсликларига киритилган асарларнинг тўлиқ варианти "Хрестоматия" тарзида нашр этилди. Ушбу кўргазма ота-оналар, ёш китобхонларнинг фикр-мулоҳазалари, китобларга бўлган эҳтиёжини ўрганган ҳолда келгуси йил учун иш режасини шакллантириш имконини беради.

— Кўргазма юртимиздаги аксарият нашриётлар, матбаа корхоналарининг фаолияти, ютуқ ва янгиликлари билан батафсил танишишда, мавжуд янгиликларни иш жараёнига кенгроқ жорий этишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Фарғона" нашриёти директори Назиржон Хошимов.

Лойиҳа доирасида "Болалар адабиёти" иккинчи матбаа кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ундан қўзланган мақсад мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан чоп этилаётган болалар адабиётини кенг жамоатчиликка тақдим этиш, ота-оналар, ўқитувчилар, ёшларни бу борадаги янгиликлар билан кенг таништириш, навқирон авлоднинг мутлола маданиятини оширишдан иборат. Кўргазмада юртимиздаги ўттиздан ортиқ нашриёт ва нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти, уларда чоп этилаётган китоблар, қўланмалар, газета ва журнал ҳамда бошқа матбаа маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

Шу куни "Йилнинг энг яхши китоби" республика кўрик-танловининг қолиб ва совриндорлари аниқланиб, уларга дипломлар топширилди.

Кўргазма доирасида нашриётлар томонидан кейинги йилларда чоп этилган янги китоблар тақдими, китоблар савдоси, таниқли шоир ва ёзувчилар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар ўтказилди.

Назозат УСМОНОВА

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг меъриё-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлиқни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Ушбу тизим мамлакатимизда тадбиркорлиқни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида, ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фойздан 2015 йилга келиб 6 фойзгача пасайтирилди ва саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фойз миқдорда белгиланди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига доимий имтиёزلар белгилангани билан бир қаторда, Президентимизнинг алоҳида фармон ва қарорлари билан муайян муддатларга солиқ имтиёзлари берилган.

Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарорида келтирилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатдан бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) 2016 йилнинг 1 январигача озод этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарори-га кўра 2016 йил 1 январгача бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фойзга камайтирилди ҳамда гўшт ва сут етиштириш, уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларнинг божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари)ни тўлашдан озод қилган.

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорида келтирилган рўйхат бўйича хизмат кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Ушбу қарорлар тегишли тармоқ корхоналарини ривожлантириш, замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга, шу орқали мамлакатимиз бозорини ўсимизда ишлаб чиқарилган арзон ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга йўналтирилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусий тадбиркорлиқнинг иқтисодий тизимиздаги роли ва ўрнини тўбдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган ушбу фармоннинг ўрни бекиёс даражада.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида тадбиркорлик фаолиятини қонуний рағбатлаш ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиний жавобгарликка тортиш даражасига ҳам оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, фармонда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, таъқиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада сссдаллаштириш кўзда тутилган. Фармонда тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилган.

Мазкур барча чора-тадбирлар 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ҳужжатларига киритилаётган бундай ўзгаришлар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратди.

Улғубек СУЙОНОВ,
Тошкент шаҳар
Ҳўжалик суди судьяси



Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфияхоним ижоди ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбда ватанпарварлик, ибратли аъёналарга ҳурмат ва эҳтиром, миллий адабиётимизга бўлган меҳр ва иштиёқни оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.



Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар

ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти эса озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, баркамол ва оқила қизларни вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолиятини рағбатлантиришга, шу билан бирга ёшларга, айниқса қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси.

Ушбу мукофот навқирон авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, янги-ча фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлодни вояга етказиш, ёш ижодкорларни янги-янги марралар сари руҳлантириш имконини бермоқда.

Мана, ўтган 16 йил мобайнида республикамизда фан, таълим, санъат, маданият ҳамда адабиёт йўналишлари бўйича 236 нафар ўтқир зехнли, иқтидорли ва истеъдодли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бўлишди ва бугун улар ўз соҳалари бўйича меҳнат қилиб, юртимиз равақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Куни кеча ушбу танловнинг шаҳар босқичи 5-болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

— Бугун кундан-кунга юксалиб, ривож топаётган юртимизда Юртбошимиз бошчилигида таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва маънавиятни юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўсиб келаётган ёш авлод тафаккури ва дунёқарашини бойитиб, истеъдод ва иқтидорларини рўйбга чиқаришга хизмат қилмоқда, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари қўлга киритаётган ютуқлар фикримиз

далилидир. Жамиятда фаол, изланувчан ва юқори чўққиларни забт этишга интилган оқила қизлар сафининг йилдан-йилга ортиб бораётгани кишини қувонтиради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жорий йилда танловнинг илк босқичларида шаҳримиздаги олий ўқув юртилари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва Меҳрибонлик уйларида жами 15 564 нафар қизлар иштирок этди. Уларнинг 560 нафари туман босқичларида қатнашди ва 53 нафар номзод танловнинг шаҳар босқичида ўз билим ва иқтидорларини намойён этишди.

— Танловда қатнашаётган қизларнинг ўз соҳалари бўйича етарли билим ва кўникмага эга эканлиги, ёшларнинг яратилган қўлай шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётгани бизни жуда хурсанд қилди, — дейди ишчи гуруҳи раиси, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева. — Ишончимизки, бугун ўз иқтидори ва истеъдоди, ақлу заковатини кўрсата олишга интилаётган ёшлар эртага юртимиз равақи йўлида сидқидилдан хизмат қилдилар.

Тадбир давомида номзодларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳолаб борилиб ва ғолиблар танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: танловнинг шаҳар босқичидан лавҳалар
Ислам Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилоятида велощоссе бўйича мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларидан келган юз нафардан зиёд спортчилар иштирокида мамлакат кубоги баҳслари ўтказилди.

Мазкур мусобақа бир вақтнинг ўзида 2016 йилнинг январь ойида Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионати олдидан ўзига хос саралаш босқичи ва-зифасини ҳам ўтади.

Бевосита натижаларга тўхталадиган бўлсак, 26 километр масофага бўлиб ўтган пойгада сирдарёлик Вадим Шайхов марра спортчида биринчи бўлиб етиб келди. Тажрибали спортчимиз, шунингдек, 55 километр масофага "Критериум" таснифида ҳамда 91 километр масофага гуруҳ баҳсларида ғолибликни қўлга киритди. Жамоавий пойғаларда Тимур Жанбулатов, Роман Шукуров ҳамда Абдуманнон Шомансуровлар билан баҳсларга киришган Вадим Шайхов яна финишга биринчи бўлиб етиб келди.

Хотин-қизлар мусобақасида Ольга Жантуганова 13 километр масофага ўтказилган шахсий ҳисобдаги пойгада ҳамда 31 километр масофага бўлиб ўтган баҳсларда биринчи ўринни эгаллади.

Қизгин кечган мусобақалар якунларига кўра, Сирдарё вилояти жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари эса мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди.

Миллионлар ўйини — футболни болалар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

МУРАББИЙЛАР УЧУН СЕМИНАР

Албатта, болалар ва ўсмирлар футболни бундан-да ривожлантиришда мураббийларнинг ўрни беқиёс.

Пойтахтимизда ФИФА ҳамда ОФК ҳамкорлигида болалар футбол мураббийлари учун семинар уюштирилди. Унда мураббийларга болалар футболни ривожлантириш мақсадида халқаро миқёсда амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

ЮРТДОШИМИЗ МУСОБАҚА ФИНАЛИНИ БОШҚАРДИ

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Бахтиёр Намозов Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида 2-7 ноябрь кунлари пляж футбол бўйича ўтказилган "Samsung" кўпталаро кубоги мусобақасида иштирок этди.

Ушбу турнирда у жами 10 ўйинда қатнашиб, гуруҳ босқичидаги икки ўйин — Таити-Эрон ҳамда Португалия-Таити учра-

шувларида бош ҳакамлик ва-зифасини бажарди. Шунингдек, юртдошимиз ярим финалнинг Россия — Эрон учрашувида учин-

чи ҳакам сифатида ўйинни бошқаришга ёрдамлашди.

Эътиборлиси, Бахтиёр Намозов мазкур кубок

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Россиянинг Сочи шаҳрида футбол бўйича 2004 йилда туғилган болалардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган халқаро турнир якунига етди.

Ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини пойтахтимизнинг "Бунёдкор" клуби тарбияланувчилари муносиб ҳимоя қилишди ва шаҳримизга ёруғ юз билан қайтишди.

Гап шундаки, халқаро турнирда пухта тайёргарлик кўрган ёш бунёдкорчилар барча рақибларини енгиб, финалда мезбон жамоа "Крилья Советов" тарбияланувчиларига рўбарў

келишди. Мурсасиз ва қизқарли кечган баҳсда тошкентлик Азим Хусанов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган гол "Бунёдкор"нинг 1:0 ҳисобида зафар қўчишни таъминлади.

Халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаган ҳамшаҳарларимиз олтин медаллар билан тақдирланишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

баҳсларининг финал учрашувида ҳам бош ҳакамлик қилди. Хал қилувчи беллашувда Россия — Таити жамоалари ўзаро тўқнаш келишди ва унда руслар 5:2 ҳисобида ғалаба қозониб, учинчи бор пляж футбол бўйича кўпталаро кубок соҳибига айланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Инсоният ўз тараққиётининг илк даврида оловдан турли эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида фойдаланган келган. Бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриги ва талаблари бор. Бунинг учун энг аввало, ҳар бир хонадон соҳибини электр асбобларидан тўғри фойдаланиши зарур. Улардан нотўғри ва меъёрдан ортиқ фойдаланиш натижасида ёнғин содир бўлиши мумкин.

ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Аҳоли хонадонлари ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситаларни улаш, электр ускуналарини қаровсиз қолдириш, улардан ёнғин ҳавфи бор жойларда очик ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, табиий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам турли ёнғин ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли саналади. Айниқса, тунда газ плиталарининг ёнғин қолдирилиши тасодифан газ

босимининг ошиб кетиши туфайли кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга доимо эътибор қаратиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилса ўзи ва яқинларининг ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлади.

Д.АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
20-ХЕХК инспектори,
сержант

"Камолот" лойиҳалари ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМ

"Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси доирасида "Қарияларимиз доим эъзозда!" мавзuida маънавий-матрифий тадбир ташкил этилди.

Унда "Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ходимлари ҳамда бир гуруҳ ўқувчи-ёшлар кексаларимизнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олишди.

Худудда жойлашган "Университет" маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Ҳамидулло ота Абдуллаев ва 80 ёшли Роза ая Ҳасанова хонадонларига ташриф буюрган ёшларимиз бир олам завқу шавқ олишди.

— Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежизга айтмаган доно халқимиз, — дейди "Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари И.Қамолов. — Мана бугун ҳам ана шундай пиру бадавлат, ёшлиқда ғайрат қилиб, кексаликда рохат кўраётган онахону отахонлар, азиз ва мўътабар нурунийлар билан суҳбатлашган ёшларимиз тинчликнинг қадрига етиш, сабр-қаноатли, ота-онасининг кўнгилни оғритмайдиған, ўзидан катталарга ҳурмат билан муомала қиладиган инсонлар қай даражада эъзоз топиб тинч-тотув оиласининг боши бўлиб ўтирганикларининг ғувоҳи бўлишди ва бундан ўзларига керакли хулоса чиқаришди. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад кексаларимизнинг қалбига оз бўлсада қувонч улаштириш, ҳолларидан хабар олиш, уларни қадрлаш, эъзозлаш ҳамда дуоларини олишдир. Шу муносабат билан ташкиллаштирилган ушбу лойиҳа албатта эзгу мақсадларга, яхшиликка хизмат қилиши шубҳасиз.

Нурунийларимиз уйларида ташриф буюрган ёшларимиз улар билан мазмунли суҳбат қуриб, ўзлари учун керакли маслаҳатларни олдилар. Кексаларимиз ёшларимизга миннатдорчилик билдириб: "Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий, умрингиз узок бўлсин, келажақда бахтли ва саодатли бўлинглар", дея ўқувчи-ёшларни дуо қилдилар.

Тадбир сўнгиде кексаларга "Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларида: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан:

1. 2015 йил 26 июндаги ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган: ер майдони 976,0 кв.м., умумий майдони 913,48 кв.м., яшаш майдони 526,23 кв.м., 13 та яшаш хонали, 2 қаватли, мансарда ва ертўладан иборат бўлган "Турар жой" биноси савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 3 743 429 258 сўм.

2. 2015 йил 26 июндаги ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қодиоров кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган: ер майдони 306,0 кв.м., умумий майдони 178,43 кв.м., яшаш майдони 109,13 кв.м., 6 та яшаш хонали, 2 қаватли, ертўладан иборат бўлган "Турар жой" биноси савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 816 169 980 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 декабрь кун соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт, х/р: 20208000104995394001, МФО: 01101, ИИН: 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таровий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган: Лицензия: RR-0148.



Тошкент шаҳрида 20 ноябрь кун ҳаво ўзгаришлари ҳақида хабар қилилади.

Тошкент шаҳрида 20 ноябрь кун ҳаво ўзгаришлари ҳақида хабар қилилади.

— 8-10 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 20 ноябрь ва 21 ноябрь эрталаб Тошкент шаҳрида ҳаво муҳитида за-биан ёмғир ёғади. Ғарбдан тарқалиб кетишига шко-ликда шомол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 3-5, кундузи даражаси наст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6168 нускада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00, Босишга топширилди: 14.20